



буюмга ҳам алоҳида эътибор билан муносабатда бўлади. Бу – Самандарнинг Миякавадан фарқли ўлароқ, ўзини табиат билан, ундаги ҳар бир узв билан бир ва яхлит деб ҳис қилиш даражасига етганлигини билдиради. Назар Эшонкул ушбу детал орқали Кавабата қахрамони эътибордан соқит қилган “Ҳақиқий инсон табиатдаги гўзаллик қатори ундаги хунукликни ҳам бирдай қабул қила олади” ғоясини илгари суради.

6. Агар Кавабата инсоннинг “табиат устидан эгалик ҳуқуқи” дейилмиш масалани бирор муносабат билдирмай тасвирлаган бўлса, буни Назар Эшонкул глобал муаммо даражасида тадқиқ қилади.

7. Румийнинг коинот ва олам уйғунлиги концепцияси таъсирида “Ялпиз хиди”да инсон характери, унинг ўсиши, ижтимоий таъсири каби муаммолар Самандар ва хотини, Самандар ва қизи муносабатлари орқали кўрсатиб берилган.



АРУЗГА ДОИР АСАРЛАРДА МУТАДОРИК БАҲРИНИНГ БЕРИЛИШИ

ХУДЖАНОВА ДИЛДОРА

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақола аруз баҳрларининг ўн олтинчи мутадорик баҳрига бағишланган бўлиб, унда мазкур баҳрнинг арузга доир асарларда турли хил номлар билан келиши, зиҳофларга учраши ва ушбу баҳрга берилган мисолларни таҳлили келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: аруз илми, баҳр, мутадорик, рақд ал-ҳайл, фа: ’илун, мунфарида, муттафиқа, “Ал-Қустос”, мутақориб, муҳдас, солим, мақтуъ, махбун, “Аруд ал-Вурқати”.

Аннотация. Эта статья посвящена размеру мутадорик, который является шестнадцатым размером арабского аруза. В ней рассматривается употребление разных названий вышеуказанного размера в книгах средневековых ученых, а также приводится анализ примеров.

Опорные слова и выражения: аруз, стопы, размер, мутадарик, рақд аль-хайл, Аль-Қустос, фа: ’илун, мунфарида, муттафиқа, мутақариб, муҳдас, салим, мактуъ, махбун, «Аруд аль-Вуркати».

Abstract. This article is devoted to the sixteenth meter of Arabic arud meters “Al-Mutadārik”. It considers the using different names of the meter in the works about arud and its anomalies and flaws in poems which syllables inconsistent with the meter. Also, the examples for the meter mutadarik are analyzed.

Keywords and expressions: Aruz prosody, modalities of aruz, the Aruz meter system, mutadarik, al-Kustos, stops, Mutaqārib, munfarida, muttafika, verse, “Arud al-Vurkaty” rhymed poetry, scansion.

Аруз – маълум шеърӣй система бўлиб, шеърдаги ритм ва унинг аниқлаш усуллари ҳақидаги илм. Аруз илми бошқа араб илмларидан ривожланиш жиҳатидан кескин фарқ қилади. Наҳв, сарф, балоғат ва луғат илмлари бир бутунлик, мукамаллик даражасига етишда йиллар, асрлар давомида

ривожланиб борган. Бироқ, аруз илми эса, Халил ибн Аҳмад ихтиро қилган вақтнинг ўзида мукамал илм даражасида бўлган. Халил ибн Аҳмаддан кейин ҳеч бир арузшунос у ишлаб чиққан аруз илми назариясини инкор этмаган ва ўз тадқиқотларида асос қилиб олиб, айрим қўшимчалар киритган.



Масалан, ўн олтинчи баҳр, яъни мутодарик баҳри араб арузидаги баҳрлар қоторига бир қанча олимлар томонидан киритилган.

Маълумки, аруз категорияларидан бири бўлган баҳр – вазнлар туркуми ёки бир қанча вазннинг ягона асоси, “ўзак вазн” демакдир. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”даги баҳрлар бобида шундай дейди: “...бухуреки баъзининг такрори ва баъзининг таркиби баъзи била ҳосил бўлур”¹, яъни баҳрлар асл ва фаръий рукнларнинг такроридан ёки бир-бирига аралаштириб олинишидан пайдо бўлади.

Адабиётшунос Аҳмад Ҳошимийнинг фикрига кўра, баҳр – махсус вазн, қасидада шоир унинг вазнига амал қилади².

Халил ибн Аҳмад баҳрларни 15 гуруҳга ажратади. Манбаларда келтирилишича, Халил ибн Аҳмад ҳаётлик даврида унинг шогирди Абу-л-Хасан ал-Ахфаш ўн олтинчи баҳрни киритиб, уни Ал-мутадорик деб номлаган. Баҳрнинг бундай аталишига сабаб, Халил ибн Аҳмаддан кейин Ал-Ахфаш томонидан баҳрлар таркибига қўшилганлигидир. Мутадорик сўзи متدارك – “сўнг дарак берувчи” деган маънони билдиради.

Мутадорик баҳри бешинчи “муттафиқа” доирасида мутақориб баҳридан сўнг келади. Унинг рукнлари فاعلن (фа: ‘илун) саккиз марта қайтарилган. Халил ибн Аҳмад юқоридаги 16-баҳрнинг берилишини хоҳламаган. Агар киритилса, уни “Ракд ал-хайл” (ركض الخيل – отнинг елиши) деб атасин, – деган.

Чунки, “фа: ‘илун фа: ‘илун фа: ‘илун фа: ‘илун” оҳанги отнинг дупурига ўхшайди.

Бир қанча олимлар ҳам мутадорик баҳрини тан олмаган ва ўз тадқиқотларига киритмаган. Масалан, Абу ‘Ала ал-Ма’аррий ушбу баҳрни ўзининг “Ал-Фусул ва-л-ғайат” асарида “арабларда фойдаланилмаган” деб таърифлайди. Юсуф ас-Саккокий “Мифтоҳ ал-улум”³ (“Илмларнинг калити”)

асарида арабларда мутадорик баҳрининг йўқлигини айтади. Шу боис бўлса керак Юсуф ас-Саккокий⁴ фақат 15 та баҳрни келтириб, бешинчи доирани “мунфарида” деб атаб, фақатгина битта баҳр – мутақорибни келтирган, мутадорик баҳрини эса, араб шеъриятига номаълум бўлган баҳр деб атайди. Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам “Мафотиҳ ал-улум”⁵ асарида фақатгина 15 баҳрни берган. Д. Фроловнинг маълумот беришича, мутадорик баҳрининг намоён бўлиши кейинчалик ва аста-секин туғилади⁶.

Абу Хафс ан-Насафий ва Маҳмуд Замахшарий эса, доира бобида бешинчисини “муттафиқа” деб атаб, баҳрлардан мутақориб ва рақд (мутадорик)ни беради. Бироқ, иккала аллома ҳам баҳрлар бобида 16 та баҳрни келтириб, ўн олтинчисини “мутадорик” деб атаб мисол беради.

Улар ўз асарларида Халил ибн Аҳмад истаги бўлган “рақд” номини доирада қолдириб, Абу-л-Хасан ал-Ахфаш киритиб, “мутадорик” деб номлаган ўн олтинчи баҳрни баҳрлар бобида келтирадilar. Бироқ берилган шеърий мисоллари бир-биридан фарқ қилади

Шундай қилиб, арузшунослар ушбу баҳрни турли номлар билан аташган. Масалан, Маҳмуд аз-Замахшарий “Ал-Қустос” асаридаги доира бобида рақдни беради, баҳрлар бобида эса, ўн олтинчисини “мутадорик” деб атаб, мисол келтиради.

Араб олими Абдулазиз Атийкнинг “Аруз ва қофия илми”⁷ ва Хатиб Табризийнинг “Китоб ал-Кофий фи-л-аруд ва ал-қовафий”⁸ асарларида ушбу баҳр “محدث” (муҳдас – ихтиро қилинган, янгилик) деб таърифланган ва яна

¹ Навоий А. Мезон ул-авзон. 14-жилд. – Т.: Фан, 1968. 142-б.

² الهاشمى احمد، ميزان الذهب في صناعة العرب، القاهرة، 1966. ص 29

³ السكاكي، سراج الدين، كتاب مفاتيح العلوم، مصر، 1900. ص 62

⁴ Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтоҳ ал-улум” асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005. 177–181-бетлар.

⁵ Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.

⁶ Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М., 1991. – С. 342.

⁷ لدكتور عبد العزيز عتيق. علم العروض و القافية. دار النهضة العربية. بيروت. 1987. ص 9.

⁸ الختيب التبريزي. كتاب الكافي في العروض و القوافي. تحقيق الحسانى حسن عبد الله. ص 137

бир қанча манбаларда "خبب" (гуруч), "مندانى" (яқинлашган) каби сўзлар билан қўлланилган. Бундан ташқари, баҳрнинг зиҳоф ва иллатларга учрашига қараб, у "غريب" (ғаройиб), "المتسق" (отнинг елиши), "قطر" (изчил), "ركض الخيل" (қўнғироқ овози) каби бир қатор ўзига хос номлар билан аталган¹.

Аслида мутадорик баҳри саккиз рукнли:

فاعلن فاعلن فاعلن
فاعلن فاعلن فاعلن

Ушбу баҳр тўла ва мажзу ҳолларда қўлланилиши мумкин. Энг кўп учрайдиган мутадорик тармоғи бу – тўлиқ шаклдаги бўлиб, унинг бир соғлом аъруди ва у билан келувчи бир соғлом дарби бор. Масалан, Хатиб Табризийнинг “Китоб ал-кофий фи-л-аруд ва-л-Қовафий” асарида ушбу шаклни қуйидаги мисоллар орқали таърифлайди:

جاءنا عامر سالما صالحا
بعد ما كان ماکان من عامر

Тақтеъ ва тафъиласи:

جاءنا | عامرن | سالمن | صالح
فاعلن | فاعلن | فاعلن |
سال | سالم | سالم | سالم
بعدما | كان ما | كانمن | عامرى
فاعلن | فاعلن | فاعلن |
سال | سالم | سالم | سالم²

Таржимаси: *Келди Амир хузуригимизга соғ-саломат,*

Бошидан (Амир) наларни ўтказгандан сўнг.

Бу байтда мутадорик баҳри мусамман шаклда бўлиб, аруди ва дарби ҳам соғлом ҳолда.

Ушбу ҳолатга Замахшарий ўз асарида ўзи томонидан ёзилган байтни келтиради:

¹ Фролов Д.В.Классический арабский стих. История и теория аруда. – М., 1991. – С. 308.

² الختيب التبريزى. كتاب الكافى في العروض و القوافى . تحقيق الحسانى حسن عبد الله . ص. 137

دارك القوم تطفىء غراما وضئاً
اذ درير الهوى بالمعنى جمع³

Қуйидаги шеърни эса, доиралар қисмида, яъни бешинчи “муттафика” доирасида мутақориб баҳри билан биргаликда мисол қилиб беради. Доира мутақориб баҳри билан бошланади:

Мутақориб:

قفاربت ذاكضا اذ دعاني
و داعيت مده اذ دعاني

Мутадорик:

ربت ذاكضا اذ دعاني
و داعيت مده اذ دعاني قفا

Арузшунос олимларнинг таъкидлашича, мутадорикнинг ҳашвлари соғлом рукн ҳолатлари жуда кам учрайди. Аксарият ҳолларда ҳашвлардаги рукнлар махбун бўлади:

ابكيت على طلل طربا فشجاك و أحزنك الطلل.

Таржимаси: *Йеғладингми бу излардан хавотирдан,*

Бу излар сени махзунликка чорлаганидан?

Бу мисолда мутадорик баҳри мусамман шаклида бўлиб, ҳамма рукнлари махбун, яъни "فاعلн" (фаъилун) вазнида берилган. Айрим манбаларга кўра, ушбу байтни Халил ибн Аҳмаднинг ўзи яратган⁴.

Худди шу ҳолатдаги вазннинг мусаддас шаклига Ал-Жавҳарий ўзининг “Аруд ал-Вурқати” асарида қуйидагича мисол беради:

درست بالوى الدمن و عفا أيها الزمن

Шунингдек, мутадорик баҳрининг мақтуъ кўринишига қуйидаги мисолни келтирамиз:

أهل الدنيا كلّ فيها نقلا نقلا، دفنا دفنا⁵

³ القسطاس المستقيم في علم العروض. محمود بن عمر الزمخشري. دار الكتب. مصر. 33.

⁴ Фролов Д. В.Классический арабский стих. История и теория аруда. – М., 1991. – С. 309.

⁵ القسطاس المستقيم في علم العروض. محمود بن عمر الزمخشري. دار الكتب. مصر ص 32.



Ушбу мисолда барча рукнлар "فعلن" (фаълун) кўринишида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мутадорик баҳри арузга доир асарларда турли хил номланган. Баъзи асарларда Халил ибн Аҳ-

мад сингари бу баҳрни баҳрлар каторига кўшишмаган. Лекин ҳозирги араб аруз-шунослигида аруз баҳрлари сони мутадорик баҳри билан ўн олтига деб юритилмоқда.



СУРИЯ АДАБИЁТИДА ВАЛИД ИХЛОСИЙНИНГ ЎРНИ

ДЖАЛИЛОВА ГЎЗАЛ

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақола Валид Ихлосийнинг Сурия адабиётида тутган ўрнига бағишланган бўлиб, унда Валид Ихлосийнинг адабий фаолияти ва ижодининг шаклланиш омиллари ҳақида сўз боради.

Таянч сўз ва иборалар: реализм, модернизм, экзистенциализм, услуб, жанр, ҳикоя, роман, Будда, рамз, символизм.

Аннотация. Эта статья посвящена роли Валида Ихласи в литературе Сирии. В ней говорится о литературной деятельности Валида Ихласи и факторах, повлиявших на развитие его творчества.

Опорные слова и выражения: реализм, модернизм, экзистенциализм, стиль, жанр, рассказ, роман, Будда, символ, символизм.

Abstract: This article is devoted to the role of Walid Ikhlasi in the literature of Syria, which refers to the literary works of Walid Ikhlasi and the factors developed his creative work.

Keywords and expressions: realism, modernism, existentialism, style, genre, story, novel, Buddha, symbol, symbolism.

XX асрнинг 1960 йилларида Миср, Сурия ва бошқа баъзи араб мамлакатларида кескин сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ адабий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар юзага келди. Шарқ адабиёти ривожига янги оғиш ва эстетик дунёқараш алоҳида аҳамиятга эгадир. Янги даврда турли хил маданиятлар ва қадриятлар орасидаги ўзаро алмашув авж олди, яъни Ғарб адабиёти Шарқ адабиётига ва аксинча, Шарқнинг Ғарб адабиётига бўлган таъсири кучайди.

Сурияда 1960 йилларда бир гуруҳ ёзувчилар майдонга чиқдиларки, уларнинг ижодида онгли равишда реализмга қарши исён сезила бошлади. Бу йилларда кузатилган реализмдан чекиниш ўзининг сиёсий сабаблари, ижтимоий илдизлари, маданий омил-

ларига ҳам эга эди. Мамлакатдаги мураккаб сиёсий ҳолат, турли мафкуралар орасидаги кураш, асрлар оша давом этиб келаётган исломий ва феодализм анъаналари, Исроил билан бўлган урушдаги мағлубият алами, мамлакат ҳудудининг бир қисми босиб олинishi – буларнинг барчаси мамлакатда реалистик адабиётнинг ривожланиши учун ноқулай шароитни вужудга келтирди¹.

Сурия адабиётини механик тарзда реалистик ва модернистикка ажратиш қийин. Аксар ҳолларда ёзувчилар ижодида ҳам реалистик, ҳам модернистик тамойиллар ёнма-

¹ Акбарова М. Ҳ. Янги давр араб адабиёти. – Т., 2009. 115–116-бетлар.